
Сайёр қабулда муаммолар ечим топмоқда

Олтиариқ тумани ҳокимининг ўринбосарлари А. Тожиев ҳамда А.Исломовлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олтиариқ туманидаги Халқ қабулхонасида сайёр қабул ўтказилди.

Сайёр қабулда тумандаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда 24 мурожаатчи фуқаролар иштирок этди.

Унда 6 та мурожаатлар ички йўлларни тартибга келтириш, 9 та электр энергияси, газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, 4 та иш билан таъминлаш, 3 та моддий ёрдам бериш, 2 та уй-жойини таъмирлашга ёрдам бериш бўйича бўлди.

Барча фуқароларнинг мурожаатлари атрофлича ўрганиб чиқилди ва аксариятига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, ижроси вақт талаб этган муаммолар юзасидан мутасаддиларга аниқ вазифалар белгиланиб, ижроси юзасидан муддат белгиланди ва қатъий назоратга олиниб, уларни қаноатлантириш чоралари кўрилди.

2022-08-24 17:06:30